

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҒАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

САБИРДИНОВ Акбар Рафурович

ОЙБЕК ШЕЪРИЯТИДА СЎЗ ВА ОБРАЗ

Ю.О.И.02 – Ҳозирги ўзбек адабиёти

Филология Ғанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 1993

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтида бажарилган.

- Илмий раҳбар – филология фанлари номзоди, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати  
Н.Ф.КАРИМОВ
- Расмий оппонентлар – филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби  
С.М.МИРВАЛИЕВ
- филология фанлари номзоди, доцент  
Х.Х.ОЛИМЖОНОВА
- Етакчи илмий муассаса – Қўқон Давлат педагогика институти-нинг ўзбек адабиёти кафедраси


Ҳимоя "15" декабрь 1993 йил соат "14" да Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти ҳузуридаги Д.О.И.04.21 рақамли докторлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича ихтисослашган илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.

(700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида (Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй) танишиш мумкин.

Автореферат 1993 йил "5" ноябрь да жўнатилди.

Ихтисослашган илмий кенгаш  
котиби, филология фанлари  
доктори



Н.Раҳимжонов

Навзунинг зарурлиги ва ишланиш даражаси. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида ривожлана бошлаши, фан ва маданиятнинг марксча-ленинча мафкура "чангали"дан халос бўлиши, миллий кадриятларнинг тикланиши, халқ тарихининг "қизил салтанат" даврида қасддан бузиб кўрсатилган саҳифалари янги давр талаблари асосида ўрганила бошлаши, қатагон этилган ёзувчилар адабий меросининг халққа қайтарилиши ва ҳоказолар ўзбек адабиётшунослиги олдига муҳим ҳамда масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Сўнгги йилларда XX аср ўзбек адабиётининг қатор атоқли сиймолари, кумладан, Ойбекнинг айрим асарлари тўғрисида ҳам матбуотда турли фикрлар ўртага ташланмоқда. Ана шу жараёнда Мунозаро қатнашчилари ҳақ фикрлар билан бирга бир томонлама, ҳақиқатдан олис ва адиб яшаган даврни ҳисобга олмай билдирилган мулоҳазаларга ҳам Урин бермоқдалар. Жумҳурият тарихининг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш даврида бундай фикр ва мулоҳазаларнинг билдирилишида фавқулодда ҳолат йўқ. Аммо шунга қарамай, бу масалани ҳам одилона ҳал этиш адабиётшунослик олдига турган вазифалардан бири сифатида қаралиши лозим.

Ойбек улкан ёзувчигина бўлиб қолмай, унинг гўзал шеърияти ҳам ўзбек адабиёти хазинасида муносиб Урин эгаллайди. Унинг шеърияти таҳлилига бағишланган қатор монография ва мақолалар нашр этилган, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган<sup>1</sup>. Аммо бу монография ва мақолаларда Ойбек шеърияти тўла ва аъроғича қамраб олинган эмас; шоир маҳоратининг айрим қирраларигина тадқиқ этилган, холос. Бинобарин, Ойбек шеъриятида сўзнинг бадиий функциял таҳлилига бағишланган илмий тадқиқотлар ҳозирча яратилган эмас. Айниқса, шоирнинг поэтик услуби масалалари, ўз замондошлари ижодидан фарқли жиҳатлари ёритилмаган. Сўзнинг турли шеър контекстидаги маъно ва оҳанг товланишлари шоир ижодий лаборатория материаллари асосида таҳлил этилмаган.

<sup>1</sup> Қарант; Ёқубов Ҳ. Гоявийлик ва маҳорат. Тошкент, 1963; Қушқонов М. Ойбек маҳорати. Тошкент, 1963; Назаров В. Бу сەҳрли дунё. Тошкент, 1980; Раҳуров И. Шеърга тўкилган калдузлар, "Шарқ юлдузи", 1978, I-сон; Маънол Камол. Лирик шеърият. Тошкент, 1986; Каримов Н. Пушкин ва ўзбек шеърияти. Тошкент, 1988; Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. Тошкент, 1981; Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати (мақолалар тўплами). Тошкент, 1985; Мориухамедов С., Мирзев С. Ойбек ва ўзбек совет адабиёти. Тошкент, 1987; Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. Тошкент, 1975; Улкан истеъдод сўҳби (мақолалар тўплами), 1-2-китоблар. Термиз, 1980.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу диссертациянинг мақсади Ойбек шеърий услуби ва маҳоратига хос хусусиятларни назарий мезонлар асосида таҳлил этиш, лабораториясини Урганиш орқали унинг сўз устида ишлаш санъатини ёритиш ва шоир Ойбекнинг XX аср ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссасини белгилашдир.

Диссертацияда шу мақсадда қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ҳаракат қилинади:

- сўзнинг Ойбек шеъриятидаги гоёвий ва баъдий функциясини аниқлаш;
- сўзнинг портрет ва пейзаж яратишдаги, портрет ва пейзаж санъатларининг эса Ойбек шеърларидаги баъдий ниятнинг реаллашувидаги ролини Урганиш;
- Ойбекнинг поэтик тафсил санъатидан фойдаланишдаги маҳоратини тадқиқ этиш;
- гоёвий ифода ва образлар талқинидаги сифатлам, ўхшатиш, истиора каби тасвир воситаларининг функционал ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш;
- шеърларининг қоралама ва оқлама ҳамда турли нашр вариантларини таққослам орқали шоир баъдий ниятининг мужассамланиш жараёнини, шеърий тафаккур ҳаракатини кузатиш;
- Ойбек шеърларидаги қофия, туроқ, товуш ва сўз такрорларининг шеър гоёси билан борлиқ жиҳатларини Урганиш;
- оҳанг (интонация) ва товуш товланишларининг образ ва гоё ифодасидаги аҳамиятини таҳлил этиш;
- сўзнинг турли контекстдаги маъно товланишлари таҳлили орқали шоир маҳоратини ёритиш.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Диссертацияда илк бор Ойбекнинг шеърий маҳорати ва услуби унинг ижодий лабораториясини кузатиш орқали ёритиб бериледи. Ойбекнинг 20-30-йиллар шеърияти ҳақида билдирилган баъзи фикрлар билан баҳслашиб, масалата аниқлик киритишга ҳаракат қилинади.

Маълумки, адабиётнинг асосий материали сўздир. Сўзнинг, айниқса, шеърий асардаги маъно ва оҳанг бўёқлари муҳим аҳамиятга эга. Шоир маҳорати ҳам сўзнинг ана шу улкан ижодиятларидан фойдалана олишида кўринади. Диссертацияда Ойбек шеъриятида аяна ва новаторлик, замонавийлик ва индивидуаллик муаммоларига муайян даражада эътибор бериледи.

Диссертация марказида сўзнинг гоявий ва бадиий функцияси, образли ифода ва тасвир ранг-баранглигидаги аҳамиятини тадқиқ этиш масаласи туради.

Ойбек поэтикасидаги ўзига хослик Рафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир асарлари билан қиёслаш асосида ёритилади.

Диссертацияда қўйилган масалани ҳал этишда рус ва қардош халқлар адабиёти вакиллариининг асарларига, адабиётшунос олимларнинг бадиий асарда сўз функциясини таҳлил этувчи илмий мақолалари ва қарашларига таянилди. Ойбек шеърий асарларининг ўзбек шеърийати тараққиётидаги ўрни кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг методологик асосини қўйидаги мавбалар ташкил этади: ўзбек, рус ва қардош халқлар адабиётшуносларининг инсон маънавиятини юксалтиришда бадиий адабиётнинг аҳамиятини кўрсатувчи илмий-методик қўлланмалари; Алишер Навоий, Г.Э.Лессинг, А.С.Пушкин, В.Г.Белинский, Н.А.Добролюбов, В.Брюсов, Ойбек каби ижодкорларнинг адабиёт ҳақидаги фикрлари; Б.Ғаланов, Н.Гей, Я.Парандовский, Л.Тимофеев, А.Цейтлин, Ю.Лотман, А.Рустамов, С.Мелиев ва бошқаларнинг бадиий асарда сўзнинг функциясини ёритувчи адабий-танқидий ва илмий ишлари; Ҳ.Вқубов, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, Н.Каримов, Б.Назаров, И.Рафуров ва бошқаларнинг Ойбек ижоди ва шеърийати ҳақидаги фикр-мулоҳазалари.

Қайд этилган мавбалар диссертацияда кўзда тутилган мақсад ва қўйилган вазифаларни илмий ҳал этишда йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациядан қўйидагиларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин:

- ўзбек адабиёти назарияси масалаларини ишлашда;
- XX аср ўзбек адабиёти тарихини яратишда;
- олий ўқув юрғларининг филология (ўзбек тили ва адабиёти) факультетлари ҳамда Урта-махсус ўқув юрғлари учун XX аср ўзбек адабиётидан дарслик ва қўлланмалар яратишда;
- олий ўқув юрғлари филология факультетларида Ойбек шеърийати юзасидан ўқиладиган махсус курслар учун лекция матнлари тайёрлашда;
- Ойбек ижоди бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган филологлар ҳамда студентлар учун қўлланмалар яратишда;
- Ойбек шеърийатига бағишланган тўпلام ва урта мактаб дарс-

ликларининг муайян бобини яратишда.

Тадқиқот мөнбái сифатида Ойбекнинг барча шеърларидан, қатор публицистик, илмий мақолаларидан ҳамда насрий асарларидан фойдаланилди. Мавзуни ёритишда шоирнинг йилгирма килдлик "Июкэм-мал асарлар тўплами"нинг биринчи ва иккинчи килдларига кирган шеърлари асос қилиб олинди.

Диссертациянинг нашри ва маъқулланиши. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва тезислари нашр этилган 5 мақола ва Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчиларининг 1985-1991 йиллардаги анъанавий илмий-назарий конференцияларида қилинган маърузаларда баён этилган.

Тадқиқотнинг қурилди тартиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ҳар бир боб уч қисмдан ташкил топган.

#### ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Ойбек поэзиясининг Урганлиш тарихи танқидий асосда ёритилади; ишнинг муҳимлиги, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, амалий ва назарий аҳамияти масалалари кўрсатиб берилади.

Биринчи боб – "Сузнинг ғоявий функцияси". Бу боб уч қисмдан ташкил топган. Биринчи қисм "Суз ва портрет" деб номланган бўлиб, унда портретнинг образ тасвиридаги, ғояни белгилашдаги ролини Урганлишга эътибор берилади.

Лирик портрет Ойбекнинг муайян образга муносабатини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Шоир портрет тасвирининг ҳаётий чизтиларга бой бўлишига катта аҳамият беради.

Намис адабиётшуноси Хатхолд Лессинг: "Ҳаётда ҳеч нарса қўлнинг ҳаракатидек таъсирчанликни бера олмайди, айниқса ҳаяжонли ҳароётда; аммо қўл ҳаракати иштирок этмаган ва унинг ҳаракатини ҳам ифодалай олган юзнинг ҳолати яна ҳам таъсирчанроқ бўлади"<sup>1</sup>, – деган ва рессом, аввало, чизадиган портретининг асосий композицион марказини топиб, бутун фикрни ўша ерга жамлашини, ана шундагина ўзгелар диққатини жалб эте оладиган жозибадор қиёфа ярате олиши мумкинлигини уқтирган эди. Ойбек ҳам лирик портрет яратишда рессомликнинг шундай нозик жиҳатларидан фойдаланади ва юз

<sup>1</sup> Лессинг Г.Э. Лаокоон или О границах живописи и поэзии. М., 1977, с. 121.

тасвиридаги батафсилликка, кийимларнинг майда тафсилотлари билан изчил ёкс этишига, ифодаларнинг тафсилларга бой булишига эътибор беради. Баъзан образ ёки персонажнинг кўзи, сочи, киприги, ва бошқа аъзолари тавсифини кучайтириш орқали ҳам сатрлардаги таъсирчанликка эришади. Масалан, "Савги қурбонига" шеърида қизнинг гўзаллиги, туйғуларидаги ҳафифлик киприклар тасвири орқали ифодаланса, "Қорақўз" шеърининг гоъвий йўналиши асосан кўз тасвири орқали очилади. Ёки 1928 йилда ёзилган, кейинчалик "Кунгил найлари" тўпламида босилиб чиққан "Ўзбек қизларининг бахти" шеъридаги кувноқ Қумри қиёфасидаги гўзалликни ҳис этишимизда, унинг марварид томчиларга бурканган кумуш оёқлари тасвири асосий урин тутади.

Б.Галановнинг "Портрет санъати"<sup>1</sup> китобида айтилишича, Флоренциянинг Мопассанга гуриллаб ёнаётган гулханни ёки дарахтни тасвирлашдан илгари унинг бошқа гулхан ва дарахтдан фарқли жиҳатларини аниқлаб олишини, сўнг эса асар ёзишга киришини маслаҳат берган. С.Цвейг Диккенснинг портрет тасвирида майда тафсилларгача синчковлик билан эътибор беришини қоралаб, ушбу ҳол китобхонни, аввало, фикрлашдан, қолаверса, тасвирланаётган образ ёки воқеадаги ўзига хос жиҳатлардан четга тортади, деган; хуллас, у тасвир меъёрини унутмасликни уқтирган.

"Машраб" шеърида Ойбек ана шу икки жиҳатни ҳам эътиборга олади. У буюмлар тасвири орқали, турли поэтик тафсиллар орқали Машрабнинг маънавий оламига кириб боради. Унинг касбига, қилиқларига, ташқи қиёфаси ва ички оламига хос чизгиларни тасвирлаш жараёнида шоир яшаган даврнинг аниқ манзарасини гавдалантиришга эришади.

Агар Ойбекнинг 30 йилларга оид шеърларида "ички тасвир" - психологик портрет муҳим бўлса, 60-йилларда ёзган шеърларида эса "ташқи тасвир" кўпроқ ўрин эгаллайди. Айниқса, Ойбек бир жанрдан иккинчи жанрга ўтиш жараёнида қаҳрамон портретини янги тафсиллар билан бойитиб, образни мукамаллаштириб боради. Масалан, "Навоий" достони билан романдаги шоир портрет-образларини солиштирар эканмиз, Ойбекнинг икки жанрда ҳам маҳорат билан қалам тебратганлигини, Навоий портрети нафақат шоирнинг ташқи ва ички олами, балки у яшаган тарихий давр колоритини ифодалашда ҳам муҳим роль ўйнараётгани кўрамиз.

1. Галанов Б. Искусство портрета. М., 1967, с. 10-11, 19-20.

Бадий портретнинг шеър ғоявий йўналиши ва қаҳрамон образини яратишдаги аҳамиятини тўғри англаган Ойбек нафақат лиро-эпик, балки лирик персонажларнинг ҳам портретларини чизишга интилади. Шу мақсадда у пейзаждан ҳам, поэтик тафсиллардан ҳам, бошқа тасвир воситалари ва сўзнинг ички имкониятларидан ҳам кенг фойдаланади. Шунингдек, у ўзининг қатор асарларида ташқи портрет орқали "ички портрет"ни ёки, аксинча, қаҳрамонларнинг "ички портрет"и орқали ташқи портретни ёритар экан, улар Уртасидаги уйғунликни ҳам ҳисобга олади. Ойбек образ қиёфасини майда тафсилотлари, икир-чикирлари билан ақс эттириш жараёнида портретнинг поэтик контекстдаги ўрнига диққатини қаратади.

"Сўз ва пейзаж" деб номланувчи иккинчи қисмда пейзажнинг образлар дунёси, ғоя ва мазмуни, лирик қаҳрамон туйғу ва кечинмалари тасвиридаги ўрни таҳлил этилади.

Ойбекнинг пейзаж лирикасига хос хусусиятлардан бири инсон ва табиатни ўзаро уйғунликда ақс эттиришдир. Аммо шу билан биргаликда, Ойбек ижодининг тадрикий ўсиши билан унинг пейзажга бўлган муносабати ҳам ўзгариб бори. Масалан, шoirнинг 20-йилларга оид шеърларида табиат ҳодисаларини инсон характерига хос хусусиятларга қиёслаш тамойили устиворлик қилса, 60-йилларда ёзилган хайёмона тўртликларида инсон табиатнинг зарраси эканлиги, табиат тилсимлари олдида инсон тафаккурининг ожизлиги таъкидланади.

А.А.Потебня: "Сўз субъектив идрок этишдан ҳосил бўлади. У предметнинг белгисини англаш билан бирга, шу предметнинг юракдаги инъикосини ҳам ифодалайди"<sup>1</sup>, — дейди. Ойбекнинг пейзаж лирикаси ҳам шoirнинг юрак призмасида шайқофланиб утган сўзлардан тузилган. Айниқса, дун, кеча, нур, қувём образлари ақс этган қатор шеърларда хилма-хил туйғулар, ранг ва оҳанглар оламига дуч келамиз. Ойбек фикрича, табиат инсонни ғуборлардан, уткинчи қайғу-аламлардан тозалайди. Юрагига мөҳр ва оликаноблик олиб кириб, неқбин туйғуларга ошно этади. Ойбек, айниқса, 60-йилларда ёзган шеърларида табиат тасвирига кенг ўрин бериб, ўз қалбини тўлқинлантирган туйғуларни табиатни тасвирлаш орқали ақс эттиради:

Кўкларда ялдузлар ҳадсиз, ҳисобсиз —  
Кулишар... Кўзимда яшнар учқуни.

<sup>1</sup> Потебня А.А. Эстетика и поэтика. М., 1976, с. 53.

Олтин боқишлар-ла шу онда ёлғиз  
 Ёчилиб кетади кўнглим тугуни<sup>1</sup>.

сатрларидаги кўнглини тугунлардан озод қилувчи кеча-нинг тузал манзараси Ойбекнинг бутун ижодида ўзига хос тўқроқланмас хусусиятлари билан наноён бўлади. Аммо шоирнинг илк ижодида кеча ҳасратларга, оҳ-зорларга, тилсиз фарёдларга ("Кеча туйғуси"), қузунли қўлка ва сирли йиғиларга, "харобалар-районаликлар"га ("Фарғона оқшоми"), "ҳасрат-ла сўлган гуллар"га, "инграётган тор-тошлар"га ("Оқшом кўринишлари") бурканган ҳолда тасвирланади. Кечанинг бундай "қорё бўёқлар"да акс этишининг жиддий сабаблари бор, албатта. Бу, 20-йилларнинг иктимой-сиёсий воқеалари билан боғланган.

Адабиётшунос И.Ғафуров Ойбек шеърятга ҳақида сўз юритиб, "Унинг табиат нафаси қирмаган, табиат билан нафас олмаган шеъри деярли йўқ деса бўлади"<sup>2</sup>, - дея тўғри таъкидлайди. Бу эса, ўз навбатида, шоирнинг табиатга бўлган чуқур эътиқоди, унинг буюклигидан туғилган ҳайрати тўғайди юзата келгандир. Ойбекдаги табиатга, она тупроққа бўлган эътиқоднинг бошқа жиддий сабаблари ҳам бор. Бу юртимиз тарихи, аجدодларимиз хотираси билан боғлиқ.

Хуллас, Ойбек пейзажлари шоирнинг воқеликни, образга бўлган муносабатини англашга ёрдам беради; шеърнинг ғойивий йўналишини ойдинлаштиради; айниқса, шоир пейзажни майда тафсилотлари билан тасвирлар экан, унинг нигоҳи спиралсимон ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракат оламнинг абадий айланма ҳаракатининг белгисидек таассурот қолдиради.

"Сўз ва поэтик тафсил" деб номланган учинчи қисмда поэтик тафсилларнинг образли ифода, портрет ва пейзаж тасвирида, лирик қаҳрамоннинг воқеликка бўлган муносабатидати ўрни таҳлил этилади.

Ҳ.Олимжон Ойбек ижоди ҳақида сўз юритиб, "Ойбек прозада шоиру, поэзияда прозаикдир. У энг майда икир-чикирларни шеърда қуйлай биладиган талантили шоирдир. У кишилар портрети, кўз ва қош ҳаракатларини аниқ тасвирлаб беради. Шу билан бирга, унинг прозаси, лирик поэзия даражасига кўтарилади"<sup>3</sup>, - дейди. Адабиёт-

<sup>1</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жиллик. I-жилд. Тошкент, 1975, 94-бет.

<sup>2</sup> Ғафуров И. Шеърга туқилган юлдузлар. // "Шарқ юлдузи", 1978, I-сон, 223-бет.

<sup>3</sup> Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч томлик. 3-том. Тошкент, 1960, 21-бет.

шунос Б.Назаров эса "Айрим мутахассислар Пушкин ўз асарларида Пётр I костюмидаги тугмечанинг рангигача тарихан аниқ ва тўғри берган, дейишади. Ойбекнинг энг майда деталларга эътибор бериши мана шу аниқликни эста олади"<sup>1</sup>, - деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, шоир шеърларидаги портрет тасвирининг ҳаётийлиги ва жонлилигида тафсилларнинг аҳамияти бекиёсдир. Поэтик тафсилларнинг таъсирчан бўлишида эса ўқигиш, киёслаш, истиоравий сўз ва иборалар ёрдамга келади. Албатта, "Ойбек бадий деталларнинг ҳаққонийлигига эришишда, стилистик воситаларни мазмунга уйғунлаштиришга, она тилининг услубий имкониятларини бойитишга ёрдам берадиган рус ва жаҳон лирик поэзиясининг ютуқларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. У Пушкиндан тортиб Маяковскийга қадар талай шоирларнинг бадий деталь яратиш усулларини қунт билан урганди"<sup>2</sup>. Шу билан бирге у классик адабиётимизга хос поэтик деталлардан фойдаланиш санъатини Навоидан то Муқимийгача, Фурқатдан Чулшонгача бўлган ижодкорлардан урганди. Ушбу ҳолни "Шодиёна", "Кичкина ҳодиса", "Дала йулида", "Паст-баланд, беух-шов хоналар қатор..." шеърлари таҳлилида кўраемиз.

Ойбекнинг юксак маҳорати тафсилларнинг чуқур мазмунга эга-лигидан ташқари, халқ оғзаки ижоди ва адабиётимиз хазинасидан шу борада ўринли истифода этишида ҳам кўринади. Бу шоир синчков-литидан, нозик ҳиссиёт эгаси эканлигидан ва дунёқарошининг кенглигидан шаҳодат беради. Ҳатто оддий ҳаётий тафсил ҳам Ойбек қаламида ўзгача нурулиб, шеър таъсирчанлигини, маънодорлигини таъминловчи поэтик воқеликка айланади:

Ҳаво булут... Шамоллар яна йиғлайди секин,  
 Бўш далалар кўксиде алам мудраб ётади.  
 Эшатига юк ортиб, бир бола олдин-кетин  
 Уққлар-ла упишган йулдан кетиб боради.  
 ("Ҳаво булут... Шамоллар яна...")

Доярлик ҳар бир сатри образлар ва тафсиллар билан безанган ушбу турғликда шоир сўзнинг ифода салмоғидан фойдаланган ҳолда умр ўткинчилигини қуйлаш ва ҳаёт абадийлигини улуғлаш ғоясини ифодалашга эришади. Йиғлаётган "шамоллар", кўксиде алам мудраб ётган "бўш далалар" тафсилларида ёшлигидан, шиддат-шижоатдан,

<sup>1</sup> Назаров Б. Ҳаётийлик - безавол мезон. Тошкент, 1985, 45-бет.

<sup>2</sup> Ёқубов Ҳ. Ҳаётийлик ва маҳорат. Тошкент, 1963, 115-бет.

куч-куватдан ажралиб, умр йўлининг сўнгига етиб қолган кекса одам қиёфасини кўрсак, "ашагига юк ортиб", "уфқлар-ла упишган йулдан боравётган бола тасвирида абадий ҳаракатда бўлган оламни ҳис этамиз.

Ойбек шеърларидаги тафсиллар сатрлардаги ифода нозиклигини, гоёвий салмоқни орттириш билан бирга фикрнинг ёрқин ва қабартма шаклда ифодаланишини ҳам таъминлайди. Шоир маълум воқеликдан - халқ оғзаки ижоди материалларидан, оддий ҳаётий кузатишларидан, табиат ҳодисалари ва предметларнинг ҳолатидан ҳам поэтик тафсиллар ярата олади. Бу тафсиллар шеърнинг эмоционал жозибадорлигини, образли ифода кучини, гоёвий таъсирчанлигини таъминлайди.

Иккинчи боб - "Сўзнинг образ тасвиридаги роли". Бу бобнинг "Сифатлаш ва образ" деб номланган биринчи қисмида Ойбекнинг асар ҳаётчилигини, лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, образга муносабатини, умуман, асар гоёсини ойдинлаштиришда сифатлашдан фойдаланиш маҳорати кўрсатиб бериледи.

Л.Озеров фикрича, "Ёмон сифатлаш мисрани нобуд қилса, ёмон мисра шеърни нобуд қилади. Сифатлаш санъаткорнинг инсон қалбини, буюмлар табиатини, у ёки бу ҳодисани қандай идрок этишини ўлчаб беради. Сифатлаш усталик унвони учун синовдир"<sup>1</sup>.

Ойбек - ана шу "усталик унвони учун булган синов"дан муваффақият билан ўтган ижодкор. Шоир сифатлашлари асар руҳига, гоёси ва образлар дунёсига ўзгача тароват бағишлайди. Айниқса, унинг ҳис-туйғулар шалоласи отилиб турган 20-йиллар шеърлятида олтин, қумуш, гузал, ҳафиф, нурли, оқ, қора, мовий каби сифатлашлар лирик қаҳрамоннинг нозик кечинмалари ва табиатнинг такрорленмас ранглар олами тасвирида иштирок этса, хузунли, кимсасиз, нашъасиз, совуқ, сўлғин, тилсиз, сирли, қаҳрли каби сифатлашлар эса образ талқини ҳамда тасвир хилма-хиллигида муҳим роль ўйнайди.

Мутахассисларнинг уқтиришича, С.Есенин ватан ва унинг табиати тасвирида кўпинча "мовий" сифатлашга мурожаат қилар экан. Дарҳақиқат, бу сўз турли шеър контекстларида гузаллик, навқиронлик, бепосёнлик ва буюкликнинг тимсоли сифатида қўлланилади. Ойбек шеърлятида юрт тасвири ой, қуёш, кўлка, қирлар, боғлар, ке-

<sup>1</sup> Озеров Л. Мастерство и волшебство. М., 1972, с.354.

ча. Ұрмон, увалар образлари ҳамда уларга бирикиб келган турли сифатлашлар образли ифодадаги яхлитликни таъминлайди.

Ойбек шеърларида ёрқин маънони ифодалайдиган сифатлашлар талайгина. Масалан, шоир ижодидан қизил ип бўлиб ўтган "олтин" ана шундай сифатлашлардан бўлиб, турли шеърий контекстларда турли маъно товланишларини намойён этади. Бу сифатлашлар олтинга хос бўлган ёрқинлик, қимматбаҳолик, беғуборлик хусусиятларини акс эттиради; ойбеккона янги истиораларнинг вужудга келишига ёрдам беради.

Ойбек сифатлашларнинг шеър руҳига мос бўлишига аҳамият бергани ҳолда, поэтик ифодаларни ҳам шеърга олиб киради. 1942 йилда фронт йулида ёзилган "Салом деб қолдилар" шеърдаги ушбу мисранинг турли нусхаларини солиштириш жараёнида бу ҳолни кўрамиз:

#### Кўлёмзада:

Эй ўзбек халқининг бургут авлоди...

"Фронт буйлаб" тўпламида:

Эй ўзбек халқининг ботир авлоди...

"Муқаммад асарлар тўплами"да:

Эй ўзбек халқининг жасур авлоди...

Мисрасидаги ўзгаришлар маъно ва оҳанг талаби билан рўй берган. Чунки кўлёмзадаги "бургут" сифатлаши жангчилардаги довураклик хусусиятини акс эттиришга оқибат қилади. Шу боис давтлаб у "ботир" сўзи билан алмаштирилади. Аммо бу сўз шеърнинг биринчи мисрасида "Қиличдай йигитлар, ботир оғалар" тарзида ишлатилган. Бу сифатлашнинг икки марта такрорланиши эса шеърнинг бадиий қимматига зарар етказиши. Шу сабабдан шоир сўнгги нусхада уни "жасур" сифатлаши билан алмаштириб, б, т, р товушларининг уйғунлиги ҳамда мантикий муносибликка эришади.

Ойбек сифатлашлари психологик портретни ёритишга кўпроқ хизмат қилгани ҳолда, образли ифодани янада поэтиклаштиради. Табиатнинг ранглар ва оҳанглар дунёси бевосита сифатлашлар орқали юзга чиқади. Бу уринда, айниқса, кенгайтирилган сифатлашлар шоирга қўл келади. Айни пайтда сифатлашлар ойбеккона бирикма ва ибораларнинг яратилишига асос бўлади. Нарса ва ҳаётий ҳодисаларнинг тафсилотлари билан акс этишида муҳим роль ўйнайди.

"Ўхшатиш ва образ" деб номланувчи иккинчи қисмда Ойбек шеърларидаги ўхшатишларнинг маънодорликни таъминлашдаги, тасвирдаги

бедий кучни оширишдаги ҳамда поэтик картина яратишдаги ўрни ёритилади.

Адабиётшунос С.Мамажонов Ойбек маҳорати, услубига хос хусусиятлар ҳақида сўз юритаркан, унинг роман, повесть, поэма, шеърларидан ўқ томир бўлиб ўтган гоя ҳамда образ ҳақида тўхталиб, "Бу - халқни, инсониятни эркае, ҳақиқатга чақиришдир ва бу гояни қуёш (нур) образи орқали ифодалаш йулидан боришдир"<sup>1</sup>, дейди. Шу билан бирга, шоир шеърларида "қуёш" сузи интироқидagi ўхшатишлар ҳам талайгина бўлиб, улар турли контекстларда турли маъноларни ташийди. "Майсада ётаркан, ўйладим сени, Ёш эдик, шўх эдик у чоқларда биз. Қуёшдек яшарди ичда севгимиз... Шодликнинг, кулгининг бормиди чеки..." ("Майсада ётаркан, ўйладим сени...") сатрларида ошиқ севгисининг оташинлиги, собитлиги "қуёшдек яшарди" иборасида ифодаланса, "Булутдай кезса халқ ичиде шоир, Хотираси қуёш қаби қоладир" ("Машраб") мисраларида Машраб ёди, хотирасининг ёрқинлиги, мантулиги "қуёш қаби" ўхшатишида акс этади. "Тугайди фироқлар, битади хижрон. Ҳар уйда тўй, ҳар юз қуёшдай хандон" ("Аҳду паймон узилмас") сатрларида галабадан шодон, ёрқин юзларнинг ҳолати "қуёшдай хандон" иборасида, "Қунглимда ҳақиқат Бирон сўнади Гуё зўр қуёш" ("Тош экан бошим...") мисраларида эса лирик қаҳрамоннинг уз эътиқодига доимо собитлиги "гуё зўр қуёш" ўхшатишида ифодаланган.

Ойбек шеърларида ўхшатишлар лирик қаҳрамон кечинмаларининг нозик ҳаракатини, образлар талқинидаги ҳеётийлик ва жозибадорликни акс эттиришга хизмат қилади. Шу билан бирга ўхшатиш фикрларни бир нуқтага жамлаб, хулосалашга ёрдам беради. Ўхшатиш ибораларнинг маъно салмоғини орттириб, сатрлар таъсирчанлигини таъминлейди.

Ойбек ўхшатишларидаги хусусиятлардан яна бири мавҳум тушунчаларни муайян нарсаларга солиштириб, тасвир аниқлигига, ифода жонлилигига ва маънодорлигига эришишдир. Баъзан эса аниқ нарса ва ҳодисалар мавҳум тушунчаларга ўхшатилиши натижасида ифода янада нозиклашади. Образлар дунёси, қиёфаси, характерида хос хусусиятлар тарафлик касб этади. Масалан, "Шошқин сувлар - суюқ ипқу, Оқар: гуё жонли қўшиқ" ("Тўзал Чимён") сатрларида сувнинг нурлар

<sup>1</sup> Мамажонов С. Гоя ва образ. // Ойбек ижодий методи ва бедий маҳорати. Тошкент, 1985, 40-бет.

оғушида товляниб оқиши, оромбахш жилдирашларини пнжуга қиёслаш ва ёқимли қўшиқнинг таралишига ўхшатиш орқали ифодаланса, юртга бўлган чексиз муҳаббат туйғуси юртнинг ҳар кэричини қалбдан ай-тилган қўшиққа ўхшатишга асосланган "Қўшиқ қаби қалбдан бир парча Юртимизнинг ҳар гул, ҳар тоши" ("Бўга Улима") сатрлари орқали ифодаланади. Ҳатто, "Қорли йуллар, ух, узун Бу йилларнинг дәр-дидек" ("Қорли йуллар, ух, узун...") сатрларида қорли йулларнинг адоқсизлиги уруш даврида халқ тортган бехад жафоларга ўхшатилади. Шоирнинг тасвир учун фронт йулларини тенлаши ҳам бежиз эмас. Чунки урушнинг дахшатли руҳи вайрон бўлган шаҳарлар, култепаларга айланган қишлоқлардагина эмас, ваҳимали суқунат ҳукм сурган, ҳар бир қадамда мина портлаши ё дайди ўқ келиб тетиши мумкин бўлган йулларда ҳам яшайди. Бу шеърда урушдан, ана шу ваҳимали йулда юриб толиққан кишилар ҳолати уринли тонилган биргина "ух" ундови воситасида англашилади.

Ойбек шеърларининг қулёзма, оқлама ҳамда турли босма нусхаларини солиштирар эканмиз, шоир ўхшатишларнинг образга, шеър гоёсига мос бўлишига жиддий эътибор берганлигини кўрамиз.

"Истиора ва образ" деб номланувчи учинчи қисмда фикрни сиққ ҳолда ҳамда таъсирчан ифодаланишида Ойбек истиораларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилади.

Сўзнинг аҳамиятини теран англаган Ойбек шеърнинг гоёвий йўналиши, маъно ҳамда образ кўламини кенгайтиришга хизмат қилувчи истиоралардан фойдаланади.

Қуёш ҳам шўнғийди олов денгизга.

Қундузнинг ойнаси жимгина синди.

— Жунайлик, — дедим мен чиройли қизга,

Қулқада йулларнинг ипи барқинди...

("Лирик кезишлар")

сатрларида уфқ "олов денгиз" истиореси орқали, нурафшон қундуз "қундузнинг ойнаси" истиоравий бирикмасида, олисларга чўзилган йул эса "йулларнинг ипи" ибореси орқали ифодаланади. Натижада қундузнинг аста-секинлик билан чекиниб, туннинг ҳукмрон бўлиши, қуёшнинг уфққа ботиш ҳолати, йулларнинг қоронғулик қўйнига сингиш жараёни нозик муболаға ва конлантиришлар орқали кўз олдимизда намоён бўлади.

Ишда Ойбек ижодининг Ғ.Ғуллом, Ҳ.Олимжон, Миртемир ва бошқа замондошлари шеърятидан фарқланадиган жиҳатлар мисоллар асоси-

да кўрсатиб берилади.

Истиоралардан фойдаланишдаги шоир маҳорати унинг дostonларида ҳам ёрқин кўзга ташланади:

Очилган деразада кўклав елкани.

Тиламда кўёш сариқ мушукга қиёсловчи мисралар ўзгача тарават ва жозиба бағишлайди.

"Хамза" дostonидаги ушбу тасвирда бир тугам кўёш нурипинг тилам устидаги аксини сариқ мушукка қиёсловчи мисралар ўзгача тарават ва жозиба бағишлайди.

Ойбек 20-йиллар ўзбек шеъриятига хос бўлган хотин-қизлар озодлигини улуглаш, эрк учун кураш ғояларини ифодалашда кўпроқ денгиз, юлдуз, кўёш сўзлари воситасида яратилган истиора ва образлардан фойдаланса, тутқунликда ўтган давр тун образи ва унга боғланиб келган турли сифатлашлар орқали англашилади.

Ойбекнинг 60-йиллар шеърлари ҳам, 20-йиллардаги каби, инсон ва табиатни муштарак, ёнма-ён тасвир этиши билан характерлидир. Лекин 20-йиллар шеърларида табиат тасвири граждонлар уруши мавзуларини ёритишга хизмат қилган бўлса, 60-йиллар шеъриятидаги инсон ва табиат тасвири шоир фалсафий ўйларининг юзга чиқишига кўпроқ имкон яратади.

Ойбек шеъриятида Навоий ижодининг тасвири алоҳида мавқега эга. Навоийга хос бир фикрни турли томондан далиллаш, образли тасвирни хилма-хил бўёқ ва ифодалар билан мисрадан-мисрага бойитиб, аниқлаштириб бориш Ойбек ижодида ўзига хос ифодасини топди. Ишда Ойбек ижодига Навоий асарларининг тасвири мисоллар асосида кўрсатиб берилади.

Шундай қилиб, Ойбек:

1. Сифатлашларнинг образ талқинидаги маъно товланишларига эътибор беради. Сифатлашлар турли шеър контекстларида хилма-хил рангларини, ҳолат ва хусусиятларини намоён этади.

2. Ушатишлар шеърий контекстда портрет ва пейзажга хос белгиларга ёрқинлик ва жозибадорлик бағишлайди, қаҳрамон хараитерига хос хусусиятларни, шоирнинг ички кечинмаларини ойдинлаштиради.

3. Истиораларнинг образ талқинидаги маъно салмоғидан фойдаланиб, ифода ихчамлигига, сатрлар тасвирчанлигига эришади. Истиора шеърий контекстда турли ҳолатларни, образга хос бўлган хусусиятларни кутилмаган нуқтадан туриб акс эттиради.

4. Образнинг шеърий контекстдаги маъно товланишларидан фойдаланиб, ғоя бадиий тасвирининг таъсирчанлигига эришади.

Учинчи боб – "Сўзнинг поэтик жилолари". Бу бобда Ойбек шеърларидаги сўзнинг поэтик контекстдаги хусусиятлари, оҳангдорлиги ва товуш товланишларининг ўзига хос жиҳатлари ёритилади.

"Сўзнинг поэтик контекстдаги хусусиятлари" деб номланган биринчи қисмда Ойбекнинг сўзнинг турли контекстдаги маъно товланишларидан, тасвир воситаларининг образли ифода жозибадорлигини таъминлашдаги имкониятларидан фойдаланиш маҳорати таҳлил этилади.

Одатда қора ранг мотамнинг, қайғу–алемнинг тимоли ҳисобланади. Ойбек эса бу сифатлашнинг турли маъно товланишларини топиб, шеър жозибадорлигини оширишга эришади. Ишда "қора" сифатлашнинг маъно товланишлари Ойбекнинг "Олтин сепкилли қоп–қора кеча..." шеъри таҳлили орқали кўрсатиб берилади.

Маълумки, Ойбек илк ижодида хотин–қизлар овозлиги мавзуга кўп мурожаат этган. Ойбек шеърларида эса бу гоҳ хотин–қизларнинг эркин ҳолатидан изтироб, гоҳ ёрга бўлган чексиз муҳаббат, гоҳ висолга интилган ошиқнинг қайғу–алемлари шаклида кўзга ташланади. Ҳайратланарлиси шундаки, шоир оддий қиёслаш ва ўхшатишлар орқали ҳам аёлларга бўлган чуқур ҳурматини ифодалай билган: "Табиат – нозли қиз, Порлаган у гўзал юз. Уфққа лола сочди, Бир қулди, сўнгра қочди" ("Оқшом қуринишлари"); "Қуёш – олтин қиз, Тотли қултиси Ҳаёт ва нашъа". ("Қуёш ва болалар"); Қорли йул – оқ лентә, Чузилган чексиз. Қора сочин кеча Ёйган мисли қиз" ("Абадий йулчилар"). Шоир шу каби қиёслаш ва ўхшатишлар орқали сатрлардаги тасвирнинг монли ранглар ва туйғуларга бой бўлишини таъминлейди. Сулим табиат ўрнида нозли қизни, уфқларга ботган қуёш ўрнида шўхлик билан гул отиб қочган эрка, гўзал юзни, нурлар таратаётган қуёш ўрнида хандон қулаётган қиз сиймосини... кўраётгандек бўлади.

Адабиётшунос У.Норматов Ойбек шеърияти ҳақида сўз кротиб, "Блок, Пушкин каби улкан реалистлар асарларидаги жозиба кучини у "ҳаётнинг ҳар бир лаҳзагини абадийлаштириш" маҳоратидан, тасвирдаги аниқликдан, "ҳаёт ҳақида ниҳоятда тўлиқ тасаввур бериш ҳолатидан қидиради"<sup>1</sup>, – деб тўғри таъкидлади. Бунинг далилини

<sup>1</sup> Норматов У. Гўзаллик билан учрашув. Тошкент, 1976, 103-бет.

Ойбекнинг "Чимён дафтери" туркумидан урин олган "Абадият ва умр" шеъри мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ишда бу шеър таҳлил этилиб, шoir маҳоратига хос жиҳатлар кўрсатиб берилади.

Хуллас, Ойбек шеърларида сўзнинг беқиёс имкониятлари, аввало, шеърий контекстда, қолаверса, турли тасвир воситаларидан фойдаланиш жараёнида намоён бўлади. Сўзнинг маъно товланишлари эса турли образли ифодаларнинг, мавзу ва ғояларнинг очилишига асос бўлиб, шеър яхлитлигини таъминлайди.

"Суз ва оҳанг" деб номланган иккинчи қисмда шеърнинг образли ифодесида, сатрлар таъсирчанлиги ҳамда жозибадорлигини таъминлашдаги оҳангнинг аҳамияти таҳлил этилади.

Оҳанг орқали маънодорликка, тасвир нозиклигига эришилган мисраларни Ойбек ижодида қўлаб учратиш мумкин. Масалан, шoirнинг:

Тарих йўллари изимдан чутир,  
 Ҳар бир хок имлайди: "Бир лаҳза утир..."

сатрлари сўнгги нусхада:

Тарих сўқмоқлари изимдан чутир,  
 Ҳар бир хок шивирлар: "Бир лаҳза утир..."  
 ("Тарих сўқмоқлари...")

шаклини олган. Бу узгариш биринчи мисрага қ,р товушлари уйғунлигини, иккинчи мисрага ир, ар бўғинларига хос оҳангдорликни олиб киради. Айниқса, кейинги нусхадаги ғоят ўринли алмаштирилган, "сўқмоқлар" сўзи орқали инсоният тарихининг нотекис ва мураккаб жараён эканини ифодалашга эришилади. Иккинчи мисрадаги "хок" образига нисбатан "шивирлар" сўзининг ишлатилиши ҳам маъно ва оҳанг талабларига мос бўлган. Шеърнинг учинчи ва тўртинчи мисралари қораламада:

"Қуш тиллари" пири - юракда тилек,  
 Изладим, тердим дур - қўлимда элак

тарзида, кейинги нусхада (учинчи мисра узгаришсиз қолгани ҳолда) тўртинчи мисра:

Излаймён гавҳарлар - қўлимда элак

шаклида ифодаланган; ниҳоят, оққа кўчирилган сўнгги нусха эса:

"Қушлар тили" пири - юракда тилек;

Излаймён марварид - қўлимда элак

тарзида намоён бўлган. Дастлабки нусхада маъно жиҳатдан "тердим" сўзи ортиқча бўлса, "дур" ва иккинчи нусхадаги "гавҳарлар" сўз-

лари шоир қалбида уйғонган оҳангни ифодалай олмайди.

Мавзлумки, дур – гавҳарнинг йирик тури. Гавҳар – тарақланган ва сайқал берилган олмос. Марварид эса сув остидаги моллюскларнинг чиганоғида узоқ йиллар давомида табиий ҳосил бўладиган қимматбаҳо садафдир.

Айтишларича, марваридни чиганоқдан ажратиш олиш ҳам алоҳида меҳнат талаб қилар экан. Тажрибали марварид изловчилар ҳали юмшоқ бўлган дурдонани чиганоқ ичидан қўл панжалари билан эмас, балки лаблари билан илиб олиб, бир неча соат давомида оғизларида олиб юришар экан. Сўнг уни ҳулланган латтага ўраб, яхши қотгунича қўлтиқ остларида олиб юрарканлар. Марвариднинг қимматбаҳолигидан ташқари, ноёблигини, излаб топишдаги аёна шундай машаққатли меҳнатни ҳам эътиборга олган шоир бу образдан ўринли фойдаланган. Бундан ташқари, "марварид" сўзи "гавҳарлар"га бугин ва товуш миқдори жиҳатидан мутаносиб бўлсада, мусиқийликда устунликка эга. Бу сўз тўғрисида т, р, қ товушлари такрорига м товушининг мусиқий ранглари ҳам келиб қўшилади.

Ойбек шеърларининг оҳанг ва образ уйғунлигини татминлашга қаратилган ижодий жарвёнини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Бир сўз–образни унга яқин бўлган бошқа сўз–образ билан алмаштириш орқали образ ва оҳанг уйғунлигига эришиш.
2. Таовир вооиталарини алмаштириш орқали образ ривож ва оҳангдорликка эришиш.
3. Мисрелардаги айрим сўзларни қисқартириш ёки Урин алмаштириш орқали образли ифода ва оҳанг изчиллигига эришиш.

Ишда Ойбекнинг "Баҳорда" шеъри таҳлили орқали бу тур ўзгартишлар қандай амалга оширилганлиги кўрсатиб берилган.

Хуллас, Ойбек шеърларидаги оҳанг, аввало, образ ва образли ифодага хизмат қилади. Шоир оҳангни образ табиатига, мавзу ва ғояга мос бўлишига аҳамият беради. Бунинг учун товуш такрорлари, қўфиядош сўзлар, вазн ҳамда туроқларнинг муҳамал бўлишига, уларнинг барча имкониятларидан фойдаланишга интиладики, бу ҳолни Ойбек ижодий лабораториясини инкишоф этиш жарвёнида кўрамиз.

"Товуш товланмалари" деб номланган учинчи қисмда Ойбекнинг шеърий асардаги товушларнинг ранг ва оҳангларидан фойдаланиш маҳорати ёритилади.

Ижодкорнинг адабиёт олдидagi масъулиятини чуқур англаган шоир Навоий номи таълим–тарбия техникумида ўқиб юрган (1921–

1925) йиллардаёқ нозиктаёб турк шоирлари, Пушкин, Фет, Блок, Вер-харн есёрлари билан яқиндан танишди ва улар ижодига жўровоз бўл-ган бир қатор шеърлар ёзди.

Ойбек адабий-танқидий мақолаларининг бирида: "Шеър лирик тилнинг мусикийлиги, сўзларнинг қўйилиши, сифатга молик товуш типларининг тартибланиши, уларнинг махсус бирикishi, умуман, то-вуш қонунига бўйсунishi иле вужудга келади"<sup>1</sup>, — деб ёзган эди. Шоирнинг "Қушлар, қочингиз!", "Ўтиниш" шеърларида ушбу ҳолни кў-рамиз. Табиатнинг баҳор чоғидаги гўзал манзараи, ўзбек қизи-нинг нозик қалб кечинмалари *д, а* говушлари тэкрорига асосланган сатрларда ифоделанади. Ёки "Булоқ" шеърда булоққа хос кўшқин ҳолат *д, щ* говушлари тэкрорига асосланган мисраларда ифоделанса, 20-йилларнинг синфий кураш жараёнидаги алғов-далғов, мамлакатда-ги оғир аҳвол, қишилар онғидаги иккиленишлар "Қиш кечалари" шеър-идаги *о* увлиси интирокидаги "Ҳар томонда оппоқ қор, Ичим қора бир мазор" сатрларида ифодасини топади. Лирик қаҳрамон кечинма-ларидаги ғалаён "оппоқ қор — қора мазор" зидламаси орқали очи — лади.

Унинг 1941 йилда ёзилган "Қорахат" шеъри фарзанди фронтда ҳалок бўлган она ҳолати тасвирига бағишланган:

Бехосдан узилган шода дур каби  
Тукилди умиднинг рангли бэрглари.  
Осилди бир онда қўллар мадорсиз  
Ер қочди, қорайди қуёш зарлари.

Ўглининг омон қайтиб келишига умид боғлаган ва уни интизор-лик билан кутган она орзулари даҳшатли "қорахат" туғайли барбод бўлади. Бу сатрларда "уруш", "қорахат" сўзлари қўлланилмаган бўлса-да, уруш келтирган Ҷокиа шеър мазмунидан яққол англашилиб туради. Шоир атайин "қорахат" билан боғлиқ тафсилотларга тўхтал-майди. У тўғридан-тўғри онанинг машъум хатни ўқиб бўлгандан ке-йинги ҳолатини тасвир этади. Юқоридаги сатрларда "она" сўзи ҳам тилга олинмайди. Аммо шеърдаги қўлларнинг "мадорсиз осилishi", "ернинг қочishi", "қуёш зарларининг қорайishi" даҳшатли Ҷокиадан беҳуш бўлиш; йиқилган она ҳолатини ҳаққоний гавдалантиради.

Сўнгги икки мисра *о* говушига хос бўлган қайғу ва оҳ-воҳ, *д* говушига хос бўлган бўғиқлик, *р* говушига хос бўлган титроқдан

<sup>1</sup> Ойбек. Адабиёт тўғрисида. Тошкент, 1985, 37-бет.

ларзага келади, шеърдаги ғиғон ва мотам қўйлари явжга чиқади. Бу товушлар шеърдаги ғожиавий ҳолатни тасвирлашда муҳим роль ўйнайди. Шеърини ўқир эканмииз, куз олдимизда Пикассонинг "Герника" картинасидаги даҳшат билан тенглашадиган манзара намойён бўлади.

Ойбекнинг 20- ва 30-йилларда яратилган шеърларида лирик қаҳрамон кечинмалари табиат тасвирига уйғун ҳолда акс этган бўлса, уруш йилларида яратилган аксар шеърларида лирик қаҳрамон кайфияти табиат тасвирига қарши қўйилган ҳолда очилади. 60-йилларда ёзилган шеърларида эса табиат тасвири шоир фалсафий ўйлари-ни ифодаловчи восита сифатида интирок этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ижод қараёнида ҳар бир оғуз ва ибораларга, ҳатто тиниш белгиларига ҳам қиддий эътибор билан қараган шоир "Шундай тил яратайликки, шеъримиз ва ҳар бир оғуз узукка қўйилган қимматли тош каби порласин, ҳар бир мисрада катта мазмун барқ уриб турсин", деганида, аввало, шеърят ва китобхон олдидаги улкан масъулиятни назарда тутган эди.

Хулосада Ойбек маҳорати ва услубига хос хусусиятлар ҳақида асосий хулосалар баён қилинганки, улар қисқача қуйидагилардан иборат:

- портрет тасвири Ойбек шеърларида лирик қаҳрамон ё лирик персонаж образини яратишда фаол иштирок этади. Шоир портретлари-га хос хусусиятсўздан, поэтик тафсиллардан лирик персонаж ё қаҳрамоннинг ички олами-ни акс эттириш мақсадида фойдаланишидир;

- пейзаж тасвири Ойбек шеърлятида муҳим ўрин эгаллаб, шоир фалсафий фикрларини ифодалашда иштирок этади. Шоир табиатнинг ҳар қандай ҳолатларидан, нарса ва ҳодисалардан гўзаллик топади. Шу гўзалликдан тузилган ҳайрат туйғуси эса Ойбек сатрларида бўй кўрсатиб, шеърларига мислсиз латофат бағишлайди;

- поэтик тафсиллардан унумли фойдаланиш, тасвир этилаётган манзарани барча майда-чуйда маиший тафсилотлари билан акс эттириш Ойбек шеърлятининг ажралмас хусусиятидир. Бир қарашда, оддий туюлган ҳодисалар ҳам ёрқин ва ҳаётий тафсиллар орқали чуқур фалсафий фикрларни ўзига сингдирган поэтик воқеликка айланади;

- сифатлашлардан фойдаланишдаги Ойбек маҳорати маҳон шеърлятида анъанатга, тинсолга айланган рангларнинг, хусусиятларнинг янги-ча талқинида намойён бўлганлигида кўринади. Сифатлашлар табиатдога ранглар жилюсини, образли ифода салмоғини, шоирнинг воқелик-

қа муносабатини, гоёни белгиланда муҳим роль ўйнайди;

– ўхшатиш – образ характери, шоирнинг тасвир объектига бўлган муносабатини аниқлашчи восита. Ўхшатишлар орқали фикр бир нуқтага қамланади ва ҳулосаланади;

– истиоралар Ойбек шеърларида қозибодор манзаралар, ёрқин образларнинг яратилишига асос бўлади. Шоир сатрларини рамзалар, ишоралар, истиоралар билан тулдирад экан, Навоий аънаналарини ўзига хос тарзда давом эттиради. Образли ифодадаги бўёқлар мукамаллигига, тасвирдаги ранг-барангликка, бир фикрни турли томондан далиллаб, сатрлар давомида тулдириб боришга эришади;

– оҳангдорлик Ойбек шеърларида контекст талабидан келиб чиқади. Бир сўзни маъно ва оҳанг жиҳатидан салмоқдорроқ бўлган бошқа сўз билан алмаштириш орқали фикр ва ифода, сўз ва маъно, сўз ва оҳанг, образ ва уйғунлик, образ ва контекст каби муаммоларни ҳал этади;

– сўзнинг турли шеърий контекстдаги оҳанг ва маъно товланмаларидан фойдаланиб, шоир ифодадаги ранг-барангликка, мисреларнинг сикик ва салмоқдор бўлишига эришади. Сўз – образ – гоёдан иборат ифода занжирининг дастлабки муҳим халқаси бўлган сўзнинг салмоғи оҳангдаги қозибодорлик, образдаги маънодорлик, гоёдаги эмоционал кучни таъминлайди;

– ассонанс, аллитерация каби товуш такрорлари нафис, ларзакор туйғуларининг сатрларга "сингиши"га ёрдам беради. "Нозик", "тўзал" воқелик тасвирида Ойбек талаффузи қушқоқ, майин товушлар такроридан фойдаланса, оғир, қайғули ҳолатлар ифодасида "қаттиқ", "тўпори" товушлар такроридан ҳосил бўлган оҳангдорликка мурожаат қилади;

– Ойбек ижодий лабораторияси айрим асарларининг ижодий тарихи билан таништирибгина қолмай, унинг энг зарур, энг сеҳрли сўзни ахтариш жараёнини – бадий ниятининг тўла ва ёрқин рўёбга чиқиш жараёнини ҳам намойиш этади. Шоир шеърларининг қоралама, оқлама ва нашр нусхаларидаги тафовутлар шуни кўрсатадики, юксак гоёвийлик ва бадийлик, соддалик ва мусиқийлик Ойбекнинг диққат марказида бўлган.

Хуллас, Ойбек XX аср ўзбек адабиётининг тараққиётига фақат улкан ҳосил сифатида эмас, айти пайтда хассос шоир сифатида ҳам бебаҳо ҳисса қўшган.

Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф эълон қилган қуйидаги мақолаларда ўз ифодасини топган:

1. Ойбек шеърларининг эвфоник хусусиятлари.- "Ўзбек тили ва адабиёти" журналы, 1987, № 6.

2. Ойбек шеърларида истиора ва образ.- "Ўзбек тили ва адабиёти" журналы, 1989, № 5.

3. Сўзнинг поэтик контекстдаги хусусиятлари.- "Ўзбек тили ва адабиёти" журналы, 1990, № 6.

4. Ойбек хазиначисининг марваридлари.- "Ёш куч" журналы, 1992, № I-2.

5. Юлдузлар нурига пайванд.- "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги, 1993, 2 июль.

САБИРДИНОВ А.Г.

"Слово и образ в поэзии Айбека"

Специальность Ю.ОІ.02 – Современная узбекская литература.  
Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук.

Р Е З Ю М Е

Диссертация Сабирдинова А.Г. на тему "Слово и образ в поэзии Айбека" посвящена исследованию поэтического мастерства одного из величайших узбекских поэтов XX века. Автор широкоизвестных эпических полотен Айбек, как поэт, широкому кругу читателей малоизвестен. Однако, как это не парадоксально, он прежде всего поэт. Поэтом он оставался, и в своих романах.

В настоящей диссертации рассматриваются проблемы мастерства Айбека – поэта – его работа над словом и вопросы, связанные с "первым элементом" литературы.

Диссертация, кроме традиционных "Введения", "Заключений" и библиографии, состоит из трех глав.

I глава, озаглавленная "Идейная функция слова", как и последующие, так же состоит из трех разделов – "Слово и портрет", "Слово и пейзаж", "Слово и поэтическая деталь".

Айбек – художник, сочетавший в себе и поэта, и прозаика, отличается от многих своих собратьев по поэтическому цеху тем, что не только в поэмах и балладах, но и лирических стихотворениях особое значение придавал портрету лирического персонажа. Если в большинстве случаев он через отдельные штрихи, характерные для того или иного лирического персонажа, рисовал его внешний облик, то в ряде своих стихотворений, посвященных известным историческим лицам, как, например, Машрабу, или современникам, как, например, Турсуной Каримовой, воссоздавал яркий портрет изображаемого героя. А если сравнить описанный им портрет Навои из одноименной поэмы с портретом великого узбекского поэта из романа "Навои", то можно прийти к заключению, что Айбек всегда ярко представлял и старался воссоздать в своей поэзии портреты изображаемых им героев, и с помощью словесного портрета раскрывал не только его внутренний мир, но и идейный пафос произведения. И слово-штрих и слова-краски играли решающую роль в создании портрета.

Пейзаж в лирике Айбека приобретает особое значение. Влюб-

ленный в природу родного края, поэт прибегает к описанию пейзажа не только для создания образа родины, живописного уголка земли, богато щедрыми дарами природы, но, главным образом, для раскрытия переживаний лирического героя, его внутреннего состояния. Человек и природа – это для Айбека всегда понятия взаимосвязанные. Природа, пейзаж отражают в себе, как лакмусовая бумага, внутренний мир лирического героя, тончайшие нюансы движения его души. Поэтому Айбек наряду с портретом в создании образа лирического героя особое внимание уделяет и пейзажным зарисовкам.

Портрет и пейзаж у Айбека, впрочем, как и у любого художника, состоит из деталей. Детали – штрихи, с помощью которых поэт воссоздает портрет, и детали-краски, с помощью которых вырисовывается пейзаж, всегда точны и ярки. Айбек, ювелирно работая над словом, несколькими деталями создает нужный ему поэтический эффект.

II глава "Значение слова в создании образа" посвящена изучению роли поэтических средств – эпитета, сравнения и метафоры в поэтике Айбека. Каждый из этих компонентов в поэзии Айбека активно участвует в создании художественного образа. Мастерски владея словом, поэт до такой степени оттачивает поэтические компоненты, в результате чего образ лирического героя или персонажа наполняется живым содержанием. В данной главе, широко рассматривая мастерство Айбека в использовании эпитета, сравнения и метафоры, диссертант также уделяет внимание эволюции этих изобразительных средств в его поэзии.

В III главе, озаглавленной "Поэтический спектр слова", рассматриваются интонационный строй, мелодика стиха, звуковая организация и другие вопросы айбековской поэзии. В разделах "Особенности слова в поэтическом контексте", "Слово и интонация", "Звуковая палитра" диссертант широко останавливается на поэтических возможностях слова и пытается показать мастерство поэта в раскрытии невидимых, но имеющих для поэзии громадное значение граней слова.

Диссертант, сопоставляя рукописные и печатные варианты отдельных стихотворений Айбека, показывает как он добивается гармонии, нужной ему поэтической тональности, заменяя отдельные слова и словосочетания. Зная, что поэзия – это, прежде всего, музыка души, Айбек работает над словом, чтобы оно не только служило идее и раскрыло поэтическое содержание, но и взволновало сердце и ум читателя.

Поэзия Айбека, как подчеркивает исследование, является одной из вершин узбекской поэзии XX века.

*Н. В. Г. 3*

Босишга рухсат этилди 24.09.93г. Бувртма № 189

Ҳажм I

Нусха 100

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Асосий Кутубхонасининг  
нусха кўпайтириш аппаратида босадан чиқди.

Тошкент ш. Муминов кўчаси 13